O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

# ҲУРЛИКНИ ТАТИГАН ЭЛ ЭЪТИРОФИ

**Da'vat**

**Истеъдодли ва меҳнатга муҳаббатли одам учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ.**

**Людвиг ван БЕТХОВЕН**

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган   2000 йил 12 январь, чоршанба   Баҳоси сотувда эркин нархда   № 4 (7200)

**Ibrat**

**Бухоро вилоятида мактабларнинг жамоатчилик, оила, маҳалла билан ҳамкорлиги, уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ муаммоларни жойида, баҳамжиҳатлик билан ҳал этиш мақсадида 2000 йилдан бошлаб ҳар ойининг 3 - душанбаси "Мактаблар куни" деб белгиланди.**

## УМРИМИЗГА БЕЗАК БЎЛГАН КУН

**Reportaj**

**2000 йил 9 январь. Эрталаб соат $6^{00}$.** 143 кун муқаддам тайин этилган мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётида энг муҳим воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловлар бошланди. Эрта тонгда ўзим овоз берадиган Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 2-умумтаълим мактабида ташкил этилган 577-сайлов участкасига келдим. Комил Ғаниев раислигидаги участка сайлов комиссияси сайловнинг ташкилий жиҳатдан самарали ўтиши учун барча чора-тадбирларни кўриб қўйган эди. Мактаб директори Шоира Абубакирова бошчилигидаги ўқитувчилар жамоаси сайловолди жараёнларида сайловчиларга том маънода мактаб ярата олганликларининг гувоҳи бўлдик. Ушбу сайлов участкасига ҳаётида илк бор овоз бериш учун келган Шавкат исмли йигитнинг сайловга биринчи бўлиб келиши сабаби билан қизиқдим.

— Биласизми, — дейди Шавкат ҳаяжонини яширмай. — Мен эртанинг эгаси бўлган авлод вакилиман. Президент сайлови биз эгалик қиладиган эртанинг мазмун-моҳиятига дахлдор воқеа. Бундай жараёнда ўз тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир одам овоз беришга шошилиши табиий. Бир неча ойдан бери кўп ва хўп ўйладим. Бир қарорга келиб қўйганимга ҳам анча вақт бўлди. Лекин ўз ишончимнинг, келажак режалариму орзуларим ифодаси бўлган сайловдаги овозимни эътироф этмагунимча ҳаловат топмаслигимни билардим. Мана, қушдек енгил тортдим. Гарчи илк бор овоз бераётган бўлсам-да, номзод танлашда адашмаганлигимга ишонаман.

Шавкат билан бўлган қисқача суҳбатдан кейин ёшларимизнинг бугунги қиёфаси кўз олдимда гавдаланди. Очиғи, хурсанд бўлдим. Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил этадиган ёшларни сайлов участкаларида тасаввур қилдим...

**Соат $10^{00}$.** Пойтахтдаги Марказий сайлов комиссиясининг матбуот маркази сиёсий жараённинг энг жўшқин лаҳзаларига макон. Маҳаллий ҳамда хорижий журналистларга мамлакатимизда тўрт соат олдин бошланган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловларнинг бориши тўғрисидаги дастлабки маълумотлар берилди. Унга кўра республика бўйича рўйхатга олинган 12 миллион 746 минг 903 нафар сайловчиларнинг 6.996.819 таси овоз беришда иштирок этган. Бу сайловчиларнинг 54,95 фоизини ташкил этади. Демак, биз барчанинг сайлов участкаларига шошаётганини тасаввур этган тонг палласида чиндан ҳам кўпчилик юртдошларимиз ўз ҳуқуқларидан фойдаланишни масъулиятли бурч даражасида ҳис қилган эканлар.



Айни пайтда эса, сайловчилар умумий сонининг 50 фоиздан кўп қисми овоз беришда қатнашган Андижон, Сурхондарё, Фарғона, Жиззах, Навоий, Наманган ва Хоразм сайлов округларида Президентликка сайловлар бўлиб ўтди дейишга етарли асос бор эди. Бу ўз навбатида, фуқароларимизнинг сиёсий жараёнларга нисбатан муносабатини ифода этарди.

**Соат $12^{00}$.** Мамлакат бўйлаб давом этаётган сайловнинг бориши тўғрисида Марказий сайлов комиссиясининг янги ахборотлари журналистлар эътиборига ҳавола этилди. Маълумки, сайлов тўғрисидаги қонунларга кўра, мамлакатимиздан ташқарида — хорижий давлатларда хизматда, ўқишда бўлган Ўзбекистон фуқаролари учун жами 36 та сайлов участкалари ташкил этилган эди. Вақт нуқтаи назаридан олганда, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловлар дастлаб Япония, Корея Республикаларида бошланди. Маҳаллий вақт билан бизда тунги $2^{00}$да ушбу давлатларда сайловлар бошланган бўлса, Тошкентда соат $12^{00}$гача олинган маълумотга асосан, Токиодаги фуқароларимизнинг 90 фоизи овоз беришда қатнашиб бўлган эди.

(Давоми 2-бетда)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

2000 йил 11 январда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Марказий сайлов комиссиясининг раиси Нажмиддин Комилов бошқарди. Мажлис кун тартиби битта масалага — 2000 йил 9 январ куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижаларига бағишланди.

Мажлисда қайд этилганидек, 2000 йилнинг 9 январи мустақил Ўзбекистонимиз тарихида асрлар туташган пайтда содир бўлган, давлатимизнинг XXI асрдаги ҳаётига ва тараққиётига жиддий таъсир кўрсатадиган муҳим сиёсий воқеа сифатида муҳрланиб қолади. Ўзбекистон фуқароларининг аксарияти ҳозирги давлат бошлиғининг раҳбарлиги остида ва ташаббусига кўра амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни қўллаб-қувватлаган ҳолда Ислом Каримов номзоди учун овоз берди. Бўлиб ўтган сайловнинг аҳамияти унинг муқобиллик ва демократик тамойиллар асосида ўтганлигидадир. Сайловчиларга танлаш имконияти берилди ва улар ўз хоҳиш-иродасига биноан, ўзи танлаган номзод учун овоз берди. Шак-шубҳасиз, бу ҳол жамиятимизда сиёсий фикрлар хилма-хиллиги ва қарашларнинг турлича бўлиши учун катта туртки беради, давлатнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётининг янада эркинлаштирилишига замин ҳозирлайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан келиб тушган баённомалар асосида шуни аниқладики, 9 январда бўлиб ўтган сайловда рўйхатга олинган 12 миллион 746 минг 903 сайловчидан, 12 миллион 123 минг 199 сайловчи иштирок этди. Бу эса рўйхатга олинган сайловчиларнинг умумий миқдорининг 95,10 фоизини ташкил этади. Фидокорлар миллий демократик партиясидан номзоди кўрсатилган Ислом Каримов учун 11 миллион 147 минг 621 сайловчи ёки сайловчиларнинг 91,9 фоизи овоз берди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзоди кўрсатилган Абдулҳафиз Жалолов учун 505 минг 161 сайловчи ёки 4,17 фоиз сайловчи овоз берди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунининг 35-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланганлиги тўғрисида қарор қабул қилди.

**(ЎзА)**

## JUMLADA JAHON

**• Янги йил арафасида Саудия Арабистонининг машҳур "Дор ус-Салом" нашриёти Президент Ислом Каримовнинг "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли", "Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли" ҳамда "Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда" асарлари киритилган "Ўзбекистон буюк келажак сари" китобини нашр этди.**

**• Нукус шаҳридаги скрининг (болаларда туғма ногиронликни аниқлаш) марказига 80 минг АҚШ доллари қийматига тенг "Виктор Делфия" лабораторияси ўрнатилди.**

**• Пойтахт вилоятининг Зангиота туманида жойлашган Тошкент гўшт комбинатида "Ройл — Фуд — Тошкентгўшт" Ўзбекистон — Ирландия қўшма корхонаси иш бошлади.**

**• Россия мамлакатидаги йирик газ компанияси бошқаруви раиси Рем Вяхиров, агар Владимир Путин президентлик сайловида ўз номзоди билан иштирок этса, шак-шубҳасиз компания уни қўллаб-қувватлашини билдирди.**

**• АҚШда Исроил ва Сурия ўртасида тинчлик ўрнатишга бағишланган музокаралар бўлиб ўтмоқда**

**• Хорватия парламентининг қуйи палатасига бўлиб ўтган сайловда ҳукуматни бошқараётган Хорватия демократик ҳамдўстлиги ХДҲ партияси мағлубиятга учради.**

**• Россиянинг Ливандаги элчихонаси террорчилар томонидан ўққа тутилгани боис, Ливан ҳукумати тезкор мажлис чақирди.**

## КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Маълумки, таълим ҳар бир жамиятнинг ажралмас қисми, маданияти ва ривожланишининг асосий кўрсаткичидир. Ҳар қандай мамлакат истиқболли режалар тузар экан, аввало, таълимга эътиборни кучайтиради. Шу маънода мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб Президентимизнинг **"Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз!"** деган даъватлари остида таълимни ислоҳ қилишга киришилиб, аввало, "Таълим тўғрисида»ги Қонун, сўнгра Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури яратилди. Комил инсон тарбияси давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилинди.

Бугун дунё маърифатпарварлари қисқа вақт ичида Ўзбекистонда юз берган улкан ўзгаришларга, эришилган натижаларга юксак баҳо бериб, Президент Ислом Каримов томонидан яратилган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини таълимни ислоҳ қилиш йўлини тутган мамлакатлар учун намуна сифатида тавсия этмоқдалар.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, унинг асосида қабул қилинган ҳукумат қарорлари ижросининг таҳлили, илк самаралар Ўзбекистоннинг буюк келажагига мустаҳкам пойдевор қўйилаётганидан далолат беради.

Буларнинг энг асосийси — бу таълим мазмунининг янгиланганлигидир.

Таъкидлаш жоизки, таълим мазмунини янгилашда биз конструктив йўлдан бордик. Яъни, биз амалиётимизда қўлланилаётган иш шакллари ва услубларини мутлақо бузиб ташлаш эмас, қўлга киритилган, синовдан ўтган, таълим мазмунини яхшилашга самарали таъсир ўтказаётган иш шакллари ва услубларини сақлаб қолиш йўлидан бордик. Масалан, барчанинг элементар саводхонлиги — ўқиш-ёзишни билиши; аниқ фанларни ўқитишда ва билим беришда пухталилик тамойилларини таъминлаш; фундаментал фанларни ўқитиш соҳасида қўлга киритилган ютуқлар сақлаб қолинди. Айни пайтда, таълимдаги абстракт материаллар — қайтариқ ва такрорланишлардан, матнларни баён этишдаги ўта узоқ ахборотлардан, мустабид тузум даврининг сохта, тўқима, ясама материалларидан (айниқса, тарих, фалсафа, география, ҳуқуқ, жамиятшуносликда) воз кечдик.

Таълимнинг қуйи босқичида учрайдиган ўта мураккаб, ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши қийин материаллар, кейинги юқори босқич синфларга ўтказилди.

Умумий таълимнинг янги тизимида (1-4, 5-9 синфлар) бериладиган билим ва кўникмалар 3 йиллик академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида бериладиган билимларга мослаштирилди, у ёки бу фандаги айрим боблар, мавзулар 3 йиллик таълим тизими босқичига киритилди.

Мазмун танловида коммуникатив йўл тутилди, яъни ўқувчи ёши, ўқув материалларини ўзлаштириш, қабул қила олиш имконияти, қизиқиш ва интилиш қобилияти ҳисобга олинди. Бошқача қилиб айтганда, таълим мазмуни ва унинг юкламасини белгилашда болани зўриқтириб юбормасликка ҳаракат қилинди. Бундан мақсад — таълим юкламалари бола соғлигига зарар келтирмасин, соғлом авлодни тарбиялаш манфаатларига мос келсин, болаларни мактабдан, фанларни ўзлаштиришдан бездирмасин, уларнинг билим олишга иштиёқини оширсин. Бир сўз билан айтганда, биз таълим мазмунини шакллантиришда ўқувчи манфаатлари устуворлигидан келиб чиқдик.

Таълим мазмунини яхшилашда биз асосланган тамойиллардан бири бу — миллий тарихимиз, қадриятларимиз, маданиятимиз, этно-педагогика, этно-психология, буюк алломаларимизнинг фанни ривожлантириш соҳасидаги илмий мерослари, маҳаллий материаллар, ҳар бир предмет матни ва мазмунига сингдирилганлигидир. Шунингдек, биз амал қилган бу тамойилда таълимдаги ҳудудий, маҳаллий умумжаҳон фанларининг ютуқлари ҳисобга олинди.

Янгиланган таълимнинг яна бир ўзига хос хусусиятини — болаларнинг қизиқиши, мойиллиги, истеъдоди, интеллектуал эҳтиёжини қондириш мақсадида мактаблар ихтиёрига алоҳида дарс соатлари ажратилганида кўриш мумкин. Бундай ёндошувни амалга оширишда ихтисослаштирилган, йўналтирилган мактаблар, синфлар, гуруҳларни ташкил этиш ҳам кўзда тутилди.

Юқоридаги талаблар асосида мактабгача таълим учун махсус миллий дастур яратилди. Мактабгача таълимда болаларни ўқув-тарбия ишларининг мактаб босқичига тайёргарлик даражасини таъминлашга бўлган давлат талаблари ишлаб чиқилди ва синовдан ўтказилмоқда.

Авваллари фарзандларимиз фақат болалар боғчаларида тайёрланган бўлса, бугунги кунда бу жараён болалар боғчаларида, оила, боғча — мактабларда, болаларни мактабларга тайёрловчи марказларда, нодавлат мактабгача таълим мусассасаларида амалга оширилмоқда. Бу соҳадаги вазифаларни ҳал қилиб бориш учун махсус энага — тарбиячилар тайёрлашга киришилди.

(Давоми 2-бетда)

## Ўқитувчи ён дафтарига

### ЯНГИ МАҲСУЛОТ

**"Сименс" компанияси мутахассислари томонидан қўл телефонларининг янги тури яратилди. Янги турнинг афзаллик жиҳати шундаки, у орқали Интернет тармоғига уланиш ва митти дисплейда рақамли кино кўриш мумкин. Мутахассислар янги маҳсулот ҳадемай дунёни эгаллаб олади, деган фикрда.**

### РУҲШУНОС ФИКРИ

**Англиялик болалар руҳшуноси Мишель Клеменс узоқ вақт мусиқанинг чақалоқлар руҳига таъсирини ўрганиб, қуйидагича хулосага келди: гўдаклар дунёга келишдан аввалроқ маълум мусиқага ихлосманд бўладилар. Инглиз чақалоқларининг аксарияти эса, бу паллада Моцарт ва Вивальди асарларига ошуфта бўладилар.**

### ЧОЙНИНГ ЯНА БИР ХИСЛАТИ

**Яқинда япон олимлари кўк чойнинг яна бир хислатини аниқлашди. Улар чой таркибидаги полифеноллар рак хасталигига қарши қўлланиладиган дорилар самарасини бир неча марта оширишини исботладилар.**

### ГАЗЕТХОН ҚУРИЛМА

**Норвегияда яратилган қурилма кўзи ожиз ва кекса кишиларга ғоятда асқотиши, шубҳасиз. Тикув машинаси шаклидаги мазкур қурилма ҳар қандай нашрларни, бир дақиқада 100 тадан 350 тагача сўзларни овоз чиқариб ўқий олади.**

## 14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

### КЎЗИМГА ТЎТИЁ ВАТАН ТУПРОҒИ!

**(Аскарлар қўшиғи)**

*Ўзбекистон аскари, марду майдонмиз,*
*Юртимиз посбони бир тан-бир жонмиз,*
*Ватан-Онам, оқ сутингни оқлаймиз,*
*Кўзимга тўтиё Ватан тупроғи!*

*Давлатим дахлига таҳдид солса ёв,*
*Садоқатинг йўлига кимки қўйса ғов,*
*Таъзирин берурмиз, янчиб беаёв,*
*Кўзимга тўтиё Ватан тупроғи!*

*Малъун турфа қиёфага кирса ҳам,*
*Қабиҳ ният шум кўнглида турса ҳам,*
*Интиқом олурмиз иблис бўлса ҳам,*
*Кўзимга тўтиё Ватан тупроғи!*

*Президент, халқимга, қасамёд этдик,*
*Бурчимиз бажардик, элни шод этдик,*
*Ҳуррият байроғин энг баланд тутдик,*
*Кўзимга тўтиё Ватан тупроғи!*

*Моҳир лашкар—қўшинлар биз,*
*Қадам бос, мағрур қадам бос!*
*Осмонда шай лочинлар биз*
*Қадам бос, жасур қадам бос!*

**Узоқбой МИСЛИБОЕВ,**
**Пайариқ туманидаги 16-мактаб ўқитувчиси**



# УМРИМИЗГА БЕЗАК БЎЛГАН КУН

(Боши 1-бетда)

Бу пайтда куннинг биринчи ярми бўлишига қарамай, чет эл ва халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари жараёнга ўз муносабатларини билдира бошладилар. Марказий сайлов комиссиясида аккредитациядан ўтган 120 дан ортиқ халқаро кузатувчилар юртимизнинг турли ҳудудларига сайловларни кузатиш мақсадида жўнаб кетган эди. Журналистлар учун уюштирилган пресс-конференцияларда улар томонидан бир фикр қайта-қайта эътироф этилди. Яъни, халқаро кузатувчилар учун маълум округ ёки участкалар тайин этилмай, қаерда бўлиш ўз ихтиёрларида эканлиги кўпчилигини ҳайратга солган. Чунки, баъзи ривожланган мамлакатларнинг 30-40 йиллик тажрибага эга бўлган кузатувчилари ҳам бундай имкониятга илк бор дуч келаётган эди. Бу нимадан далолат беради? Ифтихор билан айтиш мумкинки, бизда сайловлар қонун асосидагина эмас, балки чин маънода ошкора ўтди. Бу ўлкада халқнинг хоҳиш-иродаси ҳукмрон. Буни ҳеч кимдан яширмаймиз. Аксинча, намоён этишни маъқул биламиз.

Дунё ҳамжамиятида алоҳида нуфузга эга бўлган, баъзан демократиядан "дарс берадиган" АҚШ кузатувчилари Альберт Катаев, Нумон Окуён, Юрий Содиковларнинг сайлов жараёнларига бўлган муносабатлари юқоридаги фикрларни тасдиқлайди. Уларнинг айтишича, Ўзбекистон Республикасининг бугунги турмуш даражаси-ю ҳаёт тарзидаги, тафаккуридаги ўзгаришлар 8 йил ичида рўй берганлиги билан ҳам ҳайратланарли — *"Шу қисқа фурсатда дунёга чиқа олиш, ўзини тан олдириш ҳар қандай халққа ҳам хос эмас. Бизнинг кузатувларимиз натижалари ва хулосаларимиз шундайки, мамлакатингиз халқи ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ўз имкониятларини кўрсата олаяпти. Бундай халқ ўз йўлбошчисини танлашда маслаҳатга муҳтож эмас. Ўз келажагини буюк дея эътироф этиб, соғлом, баркамол авлод ҳақида қайғуриб яшашдек хислатга эга халқдан ибрат олиш мумкин, холос".*

**Соат 16⁰⁰.** Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида журналистлар учун навбатдаги конференция уюштирилди. Гарчи сайловлар якунланишига тўрт соат вақт бор бўлса-да, Ўзбекистон Республикасида Президентликка сайлов бўлиб ўтди, дейиш мумкин эди. Бу пайтда мамлакатимиздаги умумий сайловчиларнинг 81,96 фоизи овоз бериб бўлган, барча округларда 50 фоиздан ортиқ сайловчилар сайловларда иштирок этган эди.

Журналистлардан бирининг сайловларда фуқаролар фаоллигини изоҳлаб бериш юзасидан саволига МСК раиси жаноб Нажмиддин Комилов қуйидагича жавоб қайтарди:

*— Бу — халқимиз хусусиятидан келиб чиққан ҳолат. Буни фақат ижобий баҳолаш мумкин. Таъкидлаш жоизки, бугунгача оилавий суҳбатларда, чойхонаю маҳаллаларда асосий мавзу сайловлар бўлиб қолаётганини кўпчилигимиз кузатдик. Ўтган муддат давомида оммавий ахборот воситалари ходимлари саъй-ҳаракатларини ҳам сайловчилар фаоллигининг омили сифатида баҳолаган бўлардим. Қолаверса, сайловолди жараёнларида Президентликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари ҳам жараённи жонлантириб юборди".*

Биз россиялик кузатувчи, Москвадаги стратегик ва сиёсий тадқиқотлар маркази вице-президенти И.Звягельскаянинг таассуротлари билан ўртоқлашдик:

*— Кузатувларим мен кутмаган вазиятларга тўла. Сайловчиларнинг фаоллиги асосан, куннинг биринчи ярмига тўғри келди. Яна шунга амин бўлдимки, фуқароларингиз мустақиллик онги билан, порлоқ келажакка ишонч билан яшаётган экан. Фикримча, юртингизда маҳаллалар, ундаги муҳит ҳамма ишнинг бошланишини, ривожланишини таъминлар экан. Ўзим борган маҳаллаларда Ўзбекистон ҳаётини, йўлини, мақсадларини кўрдим. Начора, бундай қадриятни биз фақат ҳавас қила олишимиз мумкин.*

**Соат 21⁰⁰.** Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов якунлангач, МСК матбуот марказининг кунлик режасидаги охирги матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда бўлиб ўтган Президент сайлови Ўзбекистон тарихида ёркин саҳифа бўлиб қолиши таъкидланди. Амалдаги қонунларга кўра, сайлов участкаларида бошлаб юборилган овозларни санаш, натижаларни округ сайлов комиссияларига тақдим этиш, округлардаги натижалар баённома асосида Марказий сайлов комиссиясига етказилиши маълум қилинди. Якуний натижалар 10 январь кунининг биринчи ярмида эълон қилиниши билдирилди. Таъкидландики, МСК ўз фаолияти давомида жамоатчиликдан 5 мингга яқин турли мазмундаги хатлар олган. Уларда акс этган ижобий ҳамда танқидий фикр-мулоҳазалар чуқур ўрганиб чиқилади ва МСК фаолиятининг такомиллашувига хизмат қилади.

**2000 йил 10 январь, соат 12⁰⁰.** Ўзбекистон Республикасида бўлиб ўтган Президент сайлови якунларига бағишланган матбуот анжуманига маҳаллий журналистлар билан бир қаторда хорижий ОАВ ходимлари ҳамда кузатувчилар ташриф буюрди. МСК раиси Нажмиддин Комилов сайлов якунларини эълон қилди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Фидокорлар миллий демократик партиясидан кўрсатилган номзод Ислом Каримов 91,90 фоиз овоз тўплаб, сайловда ғалаба қозонди. Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзод Абдулҳафиз Жалолов 4,17 фоиз овозга эга бўлган. Сайловда берилган овозларнинг 3,92 фоизи ҳақиқий эмас деб топилган.

Шундай қилиб, мамлакатимиз, халқимиз, қолаверса, миллатимиз тақдирига дахлдор бўлган сайловлар жараёни якунланди. Ўзбек халқининг орзу-умидлари, ишончу интилишлари тимсоли бўлган, шунга муносиб топилган инсон эътироф этилди. Мамлакат аҳли ўз мустақиллигининг меъмори бўлган Ислом Каримов билан янги асрга кириб боришда таскин топажагини намоён этди.

**Ф.КАРИМОВ,**
**"Маърифат"нинг махсус мухбири**



*Суратларда: сайлов участкаларидан лавҳалар.*

**Р.АЛЬБЕКОВ олган суратлар.**

# КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

(Боши 1-бетда)

Мамлакатимиз таълими тарихида биринчи маротаба умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди. Мазкур стандартлар янги ўқув дастурлари билан бирга 1998-99 ўқув йилида 322 та умумий ўрта таълим мактабларида тажриба-синовдан ўтказилди.

Уни ўтказишда амалиётчи-ўқитувчи, олим ва методистнинг ҳамкорлигига таянилди.

Таълим тизимидаги мазкур тажриба-синов натижалари илмий-методик нуқтаи назардан чуқур таҳлил қилинди ҳамда таянч ўқув режаси, давлат таълим стандарти ва ўқув дастурлари мазмунига ислоҳотларнинг бош мақсадидан келиб чиққан ҳолда зарур тузатишлар киритилди. Бунда асосий эътибор мамлакатимизда амалга оширилаётган оламшумул ислоҳотлар моҳияти, ёшларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар, Ватанга муҳаббат, истиқлолимиз ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш масалаларига қаратилди. Умуман олганда тажриба-синов бутун республикамиз педагогик жамоатчилигининг саъй-ҳаракатлари натижасида муваффақиятли якунланди.

Янги таълим тизимига мувофиқ, ишлаб чиқилган ҳамда тажриба-синов натижалари асосида такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари ҳукуматимиз қарори билан тасдиқланди ҳамда 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич жорий этишга киришилди.

Шу ўринда стандартларни чоп этиш ва жойларга етказиш билан боғлиқ муҳим бир жиҳатга тўхталмай бўлмайди. Гап шундаки, Республикамиз ҳукумати мазкур мақсадлар учун 175 миллион сўм ажратди. Давлат таълим стандартлари ва янги ўқув дастурлари "Маърифат—Мададкор" нашриётида тайёрланиб, вазирликнинг "Таълим тараққиёти" ахборотномасининг махсус сонлари сифатида қисқа муддатларда 7 та китоб тарикасида 350 минг нусхада "Шарқ" нашриёт-матбаа концернида чоп этилди. Мазкур китоблар мамлакатимизнинг ҳамма умумтаълим муассасаларига бепул тарқатилиб, кутубхона фондига киритилди.

Таълим тизимига жорий этилган янгиликлардан яна бири — бу республикамиз ҳамма туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари қошида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш, педагогик-психологик ташхис марказларининг ташкил этилганлигидир. Уларнинг асосий вазифаси ота-оналар билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг ривожланиши, қобилияти, имконияти ҳамда қизиқишларини чуқур таҳлил қилган ҳолда касб-ҳунар коллежларига ва академик лицейларга, олти ёшли болаларни эса жисмоний, ақлий ривожланиши, соғломлигини ҳисобга олиб, мактабларнинг биринчи синфларида ўқиши учун йўлланма беришдан иборатдир.

Таълим соҳасида қабул қилинган ҳукумат қарорларини амалга ошириш, таълим ва тарбия мазмунини такомиллаштириш, ўқувчилар билим сифатини ошириш билан боғлиқ жараёнларни ўрганиш ва таҳлил этиш, аниқланган камчиликларни тезкорлик билан бартараф этиш мақсадида мониторинг тизими жорий этилди. Мазкур тизимга жалб этилган ходимлар жорий этилган давлат таълим стандартлари ва янги ўқув дастурларини ўзлаштириш даражасини таҳлил этиш, мазкур жараён устидан назорат ўрнатишга ҳам алоҳида эътибор билан қараб келмоқда.

Муаллимларимиз, халқ таълими ходимлари таълимдаги ислоҳотлар моҳияти, қўйилаётган талабни чуқур ҳис қилган ҳолда меҳнат қилишмоқда. Президентимизнинг **"Ўз-ўзини эл ишига бағишлаган, инсон тарбиясига жон тиккан олижаноб ўқитувчиларни, мўътабар муаллимларни бундан буён ҳам бошимизга кўтарамиз"** деган сўзлари муаллимларимизга янада куч-қувват бағишламоқда. Муаллимларимиз ҳеч қачон бугунги кундагидай ҳурмат ва эъзозга сазовор бўлмаган эди. Ўтган 1999 йилда бир ўқитувчимизга "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган юксак ва шарафли унвон берилди. Тўрт юзга яқин таълим ходимлари давлатимизнинг юксак орден ва медаллари, фахрий унвонлари билан тақдирландилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида ўқувчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, уларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалалари мамлакатимиз раҳбариятининг доимий диққат-эътиборида. Президентимизнинг Фармонига мувофиқ 1-синф ўқувчиларига 1 миллиард 181 миллион сўмлик ўқув қуроллари, кам таъминланган оилаларнинг бошланғич синфларида ўқийдиган фарзандларига эса 1 милиард 570 миллион сўмлик иссиқ кийимлар берилди.

Ўтиш босқичининг қийинчиликларига қарамасдан мамлакатимиз раҳбарияти янги таълим муассасалари бунёд этиш ишларига ҳам катта эътибор билан қараб келмоқда. Буни фақат биргина мактаблар қурилиши мисолида ҳам кўриш мумкин. Қўшни давлатларда янги мактаблар қурилиши тўхтатиб қўйилган бир пайтда, мамлакатимизда ҳар йили икки юзга яқин мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Кўрсатиб ўтилган ва бошқа қатор ишлар Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини вазирлик тизимларида бажариш борасидаги биринчи қадамлардир. Эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш учун биз қандай ишларни режалаштирганмиз?

**Биринчидан,** ислоҳотларни амалга оширишнинг илмий-педагогик таъминотини яратиш энг долзарб масаладир. Айнан шу ўринда педагогик амалиётга нисбатан педагогика фанининг оқсаётганлигини таассуф билан қайд этиш лозим. Биргина мисол. Янги педагогик технологияларни, ўқувчилар билими ва кўникмаларини кўп балли рейтинг тизимини жорий этишнинг илмий-педагогик асосларини барпо этиш фақат тажриба-синовлар ўтказиш билангина чегараланди. Табиийки, бу мутлақо етарли эмас. Шунинг учун, энг аввало, таълимдаги ислоҳотларнинг илмий-педагогик жиҳатдан таъминотини қайта кўриб чиқишни режалаштирганмиз.

Бунинг учун:

— авторитар педагогикадан воз кечиб, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, меҳрибонлик, инсонпарварлик, ҳур фикрлилик педагогикасини қарор топтириш;

— дидактик нуқтаи назардан ўқитишдан ўқишга ўргатишга, билим беришдан билимни эгаллашга ўргатиш;

— психологик жиҳатдан, шахсни билимга ташналик, чанқоқлиги, интилувчанлигини шакллантириш, билим олишни доимий, ҳаётий эҳтиёжга айлантириш;

— таълим марказида шахс бирламчи эканлигини таъминлаш вазифаси турибди.

**Иккинчидан,** ўқитувчи, тарбиячи ва таълим муассасаларининг раҳбарлари янгиланган таълим мазмунини пухта ўзлаштиришлари, унинг мақсад ва вазифаларини ўқувчиларга, ота-оналарга етказиш йўл-йўриқларини билиб олиши талаб этилади. Бунинг учун семинарлар, давра суҳбатлари, стандартлар ва дастурлар муаллифлари билан учрашувлар режалаштирилган.

**Учинчидан,** барча малака ошириш институтлари, университетлар, педагогика институтлари, педагогика билим юртларининг юқори курсларида тингловчи ва талабалар томонидан янги дастур, таълим стандартлари талабларини ўзлаштириб олишлари учун уларни ўқув режасига киритиш зарур. Биз шундай таклифни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига киритдик. Ўйлаймизки, бизнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларимиз, албатта, ўзининг ижобий натижаларини беради.

**Тўртинчидан,** янгиланган таълим мазмунини юксалтиришда янги педагогик технологиялар, педагогик инновациялар, янгича шакл ва услубдаги иш шаклларига таяниш зарур. Бунинг учун Республика таълим марказида, педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида, вилоятлар малака ошириш институтларида педагогик технологиялар марказлари очишни режалаштирдик. Бу марказларда ўқув жараёнини ташкил этиш, янги моделларни яратиш, интернет орқали чет эл педагогик технологияларни мужассамлаштирган ҳолда, шу соҳа бўйича яхши назарий методик тайёргарликка эга бўлган ўқитувчилардан тренерлар тайёрлаб, уларни тегишли қўлланмалар, ахборотлар билан таъминлаш кўзда тутилган.

**Бешинчидан,** давлат таълим стандартлари ва янги ўқув дастурлари талабларини ўзида ёркин акс эттирган дарсликларнинг янги авлодини яратиш ҳам асосий вазифалардан биридир. Бу соҳада 2000 ва кейинги йиллар давомида Осиё Ривожланиш Банки, Британия Кенгаши ва бошқа қатор нуфузли чет эл сармоядорлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликда бир қанча лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш мўлжалланган.

**Олтинчидан,** республикамизда мактаб индустриясини барпо қилиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Мамлакатимизнинг ўзида катта дидактик имкониятларга эга бўлган ўйинчоқлар фабрикасини, ўқув жиҳозларини, кўргазмали қуроллар ва техник воситаларини ишлаб чиқарадиган корхоналар, ўқув хариталари, глобуслар, кимё, физика фанлари учун амалий машғулотлар ўтказиш бўйича асбоб-ускуналар, ўлчов асбоблари, реактивлар ишлаб чиқарадиган саноат турларини яратиш имконияти бор. Мазкур йўналишдаги ишларимизни манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда жадаллаштириш чора-тадбирларини ҳам кўраяпмиз.

Хулоса қилиб айтганда, Соғлом авлод йили деб эълон қилинган 2000 йилда мамлакатимиз маорифчилари ўз олдида ўта муҳим вазифалар турганлигини яхши англайдилар.

**Жўра ЙЎЛДОШЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири.**

*(«Халқ сўзи» газетасининг 2000 йил 2 январь сонидан).*

## Olimpiada - 2000

### БЕЛЛАШУВ КОМПЬЮТЕРДА ЎТКАЗИЛДИ

Яқинда она тили ва адабиёти фани бўйича ўтказилган Тошкент шаҳар олимпиадасида гўзал пойтахтимизнинг энг сара ўғил-қизлари иштирок этдилар.

Ғолибликка даъвогарлар бирин-кетин компьютерда ўз билимларини синаб кўришди. Навбат кутиш жараёнида биз ҳайъат аъзолари билан суҳбатлашдик. Баҳру байт ўйнадик, китоблар бўйича мунозара қилдик, баҳслашдик.

Ҳайъат аъзоси Абдуқодир ака Раупов ушбу она тили ва адабиёти бўйича ўқувчилар олимпиадаси бу йил республикамизда 28-марта ўтказилаётганини таъкидлади. Ўша олимпиадаларнинг собиқ қатнашчиси, Тошкент шаҳридаги 273-мактабнинг она тили ва адабиёти фани муаллимаси Маҳмуда опа Валиева қуйидаги мулоҳаза ва таклифларни ўртага ташлади:

**— Адабиётдан олимпиаданинг фақат тест орқали ўтказилиши тўғри эмас. Аввалгидек ижодий иншолар ёздирилмоғи, китобхонлик, шеърхонлик ўтказилиши лозим. Негаки, аввало, янги педагогик технология ўқувчини ўқишга, фикрлашга ундайди. Иккинчидан, Жаҳон тиллари университети қошида очилган халқаро журналистика факультетида, санъат олийгоҳларида тест синовлари билан бир қаторда ижодий имтиҳонлар ҳам ўтказиляпти-ку! Бўлғуси филологлар, сухандонлар, журналистлар шу олимпиададан чиқишини назарда тутсак, албатта, уларнинг оғзаки нутқини, ижодкорлигини ҳам кузатмоғимиз керак. Фақат тест орқали аниқ фанлар олимпиадасини ўтказиш мумкин, аммо адабиёт олимпиадасида бири сел қилиб ғазал, шеър ўқисинлар, китоблар оламига етакласинлар, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирсинлар ва булар ҳам олимпиада турларига киритилиб, баҳолансин. Биз бу таклиф республика олимпиадасида инобатга олинади, деб ўйлаймиз.**

Баҳру байт мусобақаси қизигандан қизиди, аввалига бир оз тортиндик, кейин бирбиримизга гал бермай шеър ўқий кетдик... Олимпиадада Мунира Валиева исмли тенгдошимиз ғолибликни қўлга киритиб, IV босқичда иштирок этиш учун йўлланма — оқ фотиҳа олди!

Шеърий лаҳзалар, баҳс ва мунозаралар майдондан ташқарида бўлди. Зеро, олимпиада ичкарида овозсиз ўтган бўлса-да, бизда баралла баҳслашиш, беллашиш иштиёқи туғилди!..

**Забаржад БОБОЖОНОВА,**
**Тошкент шаҳридаги 268-мактабнинг 10-"А" синф ўқувчиси**

### ЮҚОРИ КЎРСАТКИЧЛАР ҚАЙД ЭТИЛДИ

Шу йилнинг 3-5 январь кунлари Навоий шаҳрида вилоятдаги 9—11-синф ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича 3-босқич олимпиада мусобақаси ўтказилди.

Бу нуфузли олимпиада мусобақасида вилоятдан 531 нафар мактаб ўқувчилари 17 фан бўйича иштирок этишди. Олимпиада мусобақаси ўзининг таъсирчанлиги билан ўтган йилда ўтказилган олимпиада мусобақасидан тубдан ажралиб турганлигини айтиш жоиздир.

Олимпиада мусобақаси олис туманлар ўртасида Учқудуқ, Томди ва Зарафшон шаҳри бўйича Зарафшон шаҳрида Низом асосида ўтказилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу мусобақада Навоий шаҳридаги 4-гимназиянинг 11-синф ўқувчиси Элдор Аҳмедов инглиз тили бўйича, 1-гимназиянинг 11-синф ўқувчиси Сергей Бардин кимё фани бўйича, Қизилтепа туманидаги 14-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Амрулло Ниёзов тарих фани бўйича, Навоий туманининг 3-мактаб 11-синф ўқувчиси Руслан Мугинов физика фани бўйича энг юқори балларни қўлга киритишга муяссар бўлишди. Шунингдек, олимпиада мусобақаси давомида Қизилтепа туманидаги 25-ўрта мактаб 11-синф ўқувчиси Гавҳар Шанова, Навоий туманидаги 14-мактаб 11-синф ўқувчиси Азизжон Шодиев, Навбаҳор туманидаги 21-мактаб 11-синф ўқувчилари Ўткир Музаффаров, Баҳора Жияновалар ўз фани бўйича иқтидорли ўқувчи эканлигини намойиш этиб, ҳакамлар ҳайъати эътиборини жалб этди.

**Ўткир ПЎЛАТОВ**
**Навоий вилояти**

## МУРУВВАТ

**"Экосан" халқаро жамғармаси республикамизда ўтказилган "Мурувват ўн кунлиги" болалар уйларига, боқувчисини йўқотган, ногирон, кам таъминланган, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга қиймати 15 миллион сўмни ташкил этувчи тиббий дори-дармон ва асбоб-ускуналар ҳамда турли озиқ-овқат маҳсулотларини тарқатди.**

**— Яқинда жамғармамиз "Соғлом муҳит — соғлом авлод гарови" дастури асосида Тошкент шаҳар болалар уйи тарбияланувчиларига ўсмирларнинг профилактик ва рационал овқатланишида ва камқонликнинг олдини олишда ишлатиладиган жами 150 минг сўм миқдоридаги "Дармон-микрел" оқссил озуқасини туҳфа этди, — деди "Экосан" халқаро жамғармаси раиси Юсуф Шодиметов.**

"Туркистон-пресс"

## УСТОЗЛАРНИ УЛУҒЛАБ

**"Устоз" республика жамғармаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда таълим тизимида фидокорона меҳнат қилиб келаётган педагог-ўқитувчилардан 55 нафарига "Устоз" фахрий унвонини топширди.**

**Ушбу тадбир "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни ҳаётга самарали татбиқ этишда жонбозлик кўрсатаётган ўқитувчиларнинг ижтимоий мақомини ошириш, уларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантириш мақсадида ўтказилди.**

**— Эллик олти йил шу соҳада ишлаб бунчалик иззат-икром кўрмагандим, — деди Тошкент Молия институтининг профессори Ҳикматулла Собиров. — Кўпгина ҳамкасбларим қатори менга топширилган "Устоз" фахрий унвони янги-янги дарслик ва қўлланмалар яратиш, таълим ислоҳотларини жадаллаштиришга фаол кўмаклашиш масъулиятини яна бир бор юклади.**

"Туркистон-пресс"

## Pedagogik mulohaza

### БИЛИМЛАРНИНГ КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРГА АЙЛАНИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

**ХТВнинг аспирантлар, докторантлар, илмий изланувчилар ўртасида педагогика, психология соҳасида эълон қилган танлови якунларига кўра, ЎзПФИТИ докторанти Ўткир Толиповнинг "Билимларнинг кўникма ва малакаларга айланиш технологияси" мақоласи биринчи ўринга муносиб деб топилган эди.**

**Қуйида педагогика мавзусидаги ушбу мақола билан танишасиз.**

Даврнинг долзарб муаммоларидан бири талабаларнинг касбий маҳоратини ошириш, уларда муҳим касбий билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишдан иборат.

Олий Мажлиснинг IX сессиясида республикамиз Президенти Ислом Каримов олий таълим тизими олдида турган муҳим вазифаларга тўхталиб, шундай деган эди: "Ўқув юртларимизни битириб, таълим-тарбия олиб чиқаётган ёшларимизнинг олган мутахассислиги ва тайёргарлиги кўп жиҳатдан замон талабларига, бозор иқтисодиёти эҳтиёжига жавоб бермаслиги кўзга ташланмоқда... олий ўқув юртини битираётганлар қандай талабларга жавоб беришини аниқлаб олишимиз керак" (И.А.Каримов. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1997, 11-бет). Бу, шубҳасиз, талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига сифат жиҳатдан юқори бўлган бир қатор талаблар қўйишни тақозо этади. Шундай экан, талабалар таълим ва тарбия олиш жараёнида ўрганиши керак бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг сифати устида ишлаши муҳим аҳамиятга эга.

Билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш таълим жараёни негизини характерлаб, унинг асоси, муҳим шарти сифатида юзага келади. Шунга кўра педагогика назарияси ва амалиётида ушбу тушунчалар фундаментал аҳамиятга эга. Билим, кўникма ва малакаларнинг мазмуни ҳамда уларнинг шаклланиш жиҳатлари психология, дидактика, хусусий методика ва талабаларнинг амалий машғулотларига оид кенг кўламдаги адабиётларда назарий жиҳатдан асослаб берилган. Бу тушунчаларга қанчалик аниқ таъриф берилганлигига қарамасдан мазкур тушунчалар яна ҳам чуқурроқ ўрганишга ва назарий жиҳатдан ҳар томонлама асосланишга муҳтож.

Педагогикага доир адабиётларда "билим" тушунчаси, одатда, инсонлар томонидан мавжуд билим ва ҳодисаларни, табиат ва жамият қонуниятларини билиш маҳсули сифатида баҳоланади. (Пед. энцикл., 1965).

Бундай таъриф асосан билимнинг фалсафий қиррасини очишга хизмат қилади. Дидактика назариясида эса "билим" тушунчаси, асосан, икки томонлама изоҳланади: талабалар ўзлаштириши лозим бўлган билимлар ҳамда улар томонидан ўзлаштирилиб, амалий фаолият жараёнида қўлланиладиган, шахсий хислатларга айланиб қолган билимлар.

Биз юқорида келтирган биринчи таъриф таълим мазмунини белгилаб беради. Бу билимлар адекват характерга эга бўлиб, жамият ҳаётида, тасдиқланган моддий борлиқни ифодалайди. Билимлар қотиб қолган, ўзгармас ҳодиса эмас, жамият ҳаётининг тарихий тараққиёти давомида билимлар ҳам узлуксиз ривожланиб, аниқланиб, чуқурлашиб ва баъзан жиддий ўзгаришларга учраб, такомиллашиб боради. Педагогика назариясида билимларга хос бўлган ушбу омилни ҳисобга олгандагина таълим мазмунининг илмийлиги таъминланади. Ўқув предмети доирасида тақдим этиладиган билимларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: мувофиқ тарздаги фан асосларини ифодаловчи илмий билимлар ҳамда долзарблик ва турғунлик жиҳатидан ўзгарувчан бўлган ахборотлар кўринишидаги илмий маълумотлар. Илмий маълумотлар, одатда, назарияларнинг маҳсули сифатида юзага келади. Бу билимларнинг мунтазам жамланиши ҳозирги фаннинг муайян ҳолатини ифодаловчи дедуктив тизимдаги ахборотлар ҳажмининг ортиб боришига олиб келади, лекин мазкур фан негизини ташкил қилувчи билимлар тизимига ҳеч қандай ўзгартиш киритмайди. Бу ҳолда янги маълумотларнинг фақат бир қисмигина илмий назариянинг асосий ҳолатларини ўзгартириб бориш учун хизмат қилади. Бундай ҳолда билимлар қанчалик умумлашган бўлса, улар шунчалик турғун характерга эга бўлади.

Табиийки, ўқитувчи талабалар билиш фаолиятини бошқариш жараёнида уларга маълум бир фанга оид фундаментал билимлар бериш билан бир қаторда шу билимларни бойитувчи, улар орасидаги турли алоқадорлик ва муносабатларни намойиш қилувчи, жамият ва шахснинг мунтазам ортиб борувчи эҳтиёжларини, ҳаётдаги мавжуд муаммоларни ифодаловчи жорий ахборотларни ҳам тақдим этиб бориши лозим.

Билимлар ўрганилаётган асосий жиҳатларни мантиқий кетма-кетликда қамраб олиши, ўзаро боғлиқ бўлиши ва ҳар бир ўрганилаётган тушунчадаги барча аҳамиятли жиҳатларни очиб бериши, яъни изчил бўлиши лозим. Ўзлаштириладиган билимларнинг асосий сифати — уларнинг англанганлик, тушунилганлик даражасида ифодаланади. Улар талабанинг буюм ва ҳодисаларни нафақат тавсифлаб бера олиши, балки ўрганилаётган далилларни асослай олишида, хулосалар чиқара олишида намоён бўлади. Шунингдек, билимлар ўрганилаётган буюм ва ҳодисаларнинг мазмуни ҳамда қараш кўлами кенглигига хизмат қилувчи мукаммалликка эга бўлиши лозим.

Ўзлаштириладиган билимлар ҳосил қилинадиган кўникма ва малакалар учун асос бўлиб хизмат қилади. Кўникма ва малакаларнинг мазмуни ва ўзаро нисбати ҳақида бир қанча йўналишдаги қарашлар мавжуд.

Дидактикада мавжуд бўлган анъанавий нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлсак, кўникма малакадан олдин ҳосил бўлади ва машқлар бажариш натижасида кўникма малакага айланади. Чунончи, "Педагогик энциклопедия"да (1968) кўникма — "ишлашга тўғри келадиган шароитларга мос характерларни самарали бажара олиш" деб таърифланади; кўникмалар ҳам амалий, ҳам назарий характерга эга бўлади. Худди шу Педагогик энциклопедияда "малака юқори даражадаги ҳаракат" сифатида таърифланади, "ушбу босқичда ҳаракатлар автоматлашади, ақлий бошқарув бир даража камаяди. Малака амалий фаолиятни шу қадар тез бажарилишидирки, бунда ҳаракат ўз-ўзидан амалга оширилаётгандек бўлади". А.А.Смирнов, А.Н.Леонтьевлар таҳрири остида нашр этилган "Психология" китобида малака — "машқлар натижасида мустаҳкамланган ҳаракат усули" деб, кўникмалар эса "ишни бажаришнинг мустаҳкам ва тартибли даражасига эришиш имконини берувчи машқларни талаб қилмайди" деб тавсифланади...

Психология соҳасидаги адабиётларда кўникма ва малакаларга оид қуйидаги фикрлар билдирилган: "Мақсадли ҳаракатларнинг инсон томонидан қисман автоматик равишда бажарилишига малака дейилади". Шунингдек, "кўникма" атамаси билан субъект эга бўлган ва малакалар фаолиятни мақсадга мувофиқ бошқариш учун зарур бўлган педагогик ва психологик ҳаракатлар тизимини ифодалайди" (Психология. А.В.Петровский таҳрири остида. М., 1986. 107,116-бетлар).

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, "Кўникма ҳаракатларни самарали бажариш имкониятидир; кўникма — ҳаракатдаги билимлардир; кўникма маълум даражада ўйлаб бажариладиган ҳаракатлар; кўникмалар қандайдир ҳаракатни янги шароитларда бажаришнинг усулидир; кўникма мураккаб тизимли психик ва амалий ҳаракатларни эгаллашдир".

Малакалар қуйидагича таърифланади: «малака юқори ўзлаштирилганлик даражасига эга бўлган ҳаракатлар йиғиндисидир; малака билим ва кўникмалар заминида шаклланади...»

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, "кўникма" ва "малака" тушунчаларининг мазмун ва моҳияти ҳақида турлича фикрлар мавжуд.

Инсон фаолиятининг турли-туманлиги ва у қўллайдиган кўникма ва малакаларнинг хусусиятини ҳисобга олиб, дидактикада "кўникма" ва "малака" тушунчалари педагогик, психологик ҳамда ижтимоий-тарихий маъноларда қўлланилади. Бу шундай изоҳланадики, биринчидан, талаба психологик-педагогик таъсир объекти ҳисобланиб, бу таъсир натижасида билим, кўникма ва малакаларни эгаллайди, иккинчидан, аста-секин эгалланган билим, кўникма ва малакалар таъсирида ижтимоий аҳамиятли шахсга айланиб боради.

## Muqaddas burch

# ТИНЧЛИК ҲИМОЯ БИЛАН БОҚИЙ

***14 январь — Ватан ҳимоячилари куни. Бугун мамлакат сарҳадларини ҳимоя қиладиган ўғлонларнинг жисмоний тайёргарлиги, ҳарбий маҳорати билан қизиққан киши ўзида хотиржамлик ҳиссини туйиши табиий. Ватан посбонларининг ҳам жисмоний, ҳам маънавий тайёргарлигига умумтаълим мактаблари замин эканлиги барчамизга маълум. Демак, халқнинг ҳар бир эр йигити ота-боболардан мерос бўлиб қолган юртга қалқон бўла олиш ҳисси билан, унинг ҳаловатини таъминлай олиш ишончи билан яшаши мактаб билан боғлиқ.***

***Биз байрам арафасида Халқ таълими вазирлигининг бўлим бошлиғи Турсунқул ака Муҳиддиновдан умумтаълим муассасаларида ёшларни чақириққача тайёрлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумот беришини сўрадик:***

— Республика Халқ таълими муассасалари "Таълим тўғрисида"ги, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларини, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни бажара бориб, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, жисмонан чиниқтириш ишини мазмунан такомиллаштириш, ўқув моддий базасини мустаҳкамлаш борасида маълум ишларни амалга оширмоқдалар.

Халқ таълими вазирлиги ва унинг жойлардаги бошқарув органлари, идора ҳамда муассасаларида Президентимиз ва ҳукуматимизнинг ёш авлод таълим-тарбиясига кўрсатган ғамхўрлиги ва эътиборига жавобан, таълимнинг барча йўналишларида муайян ижобий натижаларга эришила бошланди. Жумладан, таълим тараққиётига доир қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар; ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқувчилари учун "Чақириққача ёшларни тайёрлаш дастури" чоп этилди, "Ҳарбий таълим раҳбарлари учун методик қўлланма", "Инсон хавфсизлиги асослари" дастур лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Ўтган ўқув йилида халқ таълими тизимида чақириққача ёшларни тайёрлаш 7428 та умумий ўрта таълим мактабларида амалга оширилиб, уларга кўплаб ўқувчи-ёшлар жалб этилди. Мазкур сабоқлар жорий этилишидан кўзда тутилган асосий мақсад ёшларни ҳарбий хизматга ва энг асосийси она Ватан ҳимоясига тайёрлаш, уларда ватанпарварлик ҳис-туйғуларини шакллантиришдир.

Чақириққача ёшларни тайёрлаш фани бўйича ўтган даврда ўқувчиларнинг билим даражаси ва сифати бир мунча яхшиланди. Битириш имтиҳонлари натижасига кўра, ўқувчиларнинг билим савияси дастур талабига жавоб берадиган даражага эришдик.

Ёшларни чақириққача тайёрлаш дастурларини амалга ошириш айниқса, Фарғона, Наманган, Бухоро, Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари таълим муассасаларида яхши йўлга қўйилган.

Бугун республика умумий ўрта таълим мактабларида ҳарбий таълим раҳбарлари ёшларга мудофаа сирларини ўргатиб келмоқдалар. Ишлаётган ҳарбий таълим раҳбарлари асосан, вилоятлардаги ўқитувчилар малакасини ошириш, Авлоний номидаги ХТХМОМИда, вилоят малака ошириш институтларида ўз малакаларини ошириб бормоқда. Лекин таълим муассасаларини малакали ҳарбий таълим раҳбарлари билан тўла таъминлаш масаласи ҳозирча муаммо бўлиб қолмоқда.

Чақириққача ёшларни тайёрлашда жиҳозланган хоналар (94 фоиз), сафда юриш майдончалари (92,2 фоиз), бадан тарбия майдончалари (77,5 фоиз), тўсиқларнинг ягона тизими (68 фоиз) негиз бўлиб хизмат қилади.

Ўқувчилар орасида маънавий-маърифий ишларни мақсадли олиб боришда, баркамол инсон тарбияси алоҳида ўрин эгаллайди. Афсуски, соғлом ва баркамол авлод таълим-тарбиясининг ажралмас бир қисми ҳисобланган ҳамда ўқувчиларга қўшимча таълим берувчи бу муҳим фаолият турига эътибор барча ҳудудларда етарли деб бўлмайди.

Ўқувчи-ёшлардан ҳарбий олий ўқув юртларига кирувчи номзодларни танлашга алоҳида эътибор қаратилган. Ўқувчилар ва ота-оналар ўртасида тарғибот ва тушунтириш ишлари мунтазам олиб борилганлигидан ўтган йили юзлаб ўқувчи-ёшлар ҳарбий олий ўқув юртларига ўқишга кирдилар.

Ўқувчи-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда таълим муассасалари таянч маскан ҳисобланади. Ҳозиргача мактабларда 1018 жанговор ва меҳнат шуҳрати музейлари, 5444 жанговор бурчаклар мавжуд.

Ёшларнинг ҳарбий хизматга тайёрлаш курсини тугатиши шарафига ўқув юртларида "Ватанпарвар" ҳарбий спорт байрамларининг ўтказилиши ижобий самара бермоқда. Бундан ташқари, "Шунқорлар" ҳарбий спорт республика мусобақаларида юқори синф ўқувчилари фаол қатнашиб келмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси ҳарбий қисмларида интизомни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси қошида доимий фаолият кўрсатувчи комиссиясининг дастури"ни бажариш борасида Республика Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари билан ҳамкорликда дастурлар чақириққача ёшларни тайёрлаш ўқув методик кенгаш аъзолари, Республика Мудофаа ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Республика "Ватанпарвар" ташкилоти, шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси раҳбарлари иштирокида муҳокама этилди ва уни бажариш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш кераккки, истиқлол йилларида ҳарбий соҳага муносабат ўзгарди. Тошкент, Урганч ҳамда Самарқанд шаҳарларида ҳарбий касбларга йўналтирилган Республика лицейлари фаолият кўрсата бошлади. Бу ўқув масканлари ўртасида "Амир Темур авлодлари" деб номланган ҳарбий спорт мусобақалари анъана тусига кирди. Лекин, олдимизда ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Аввало, ҳар бир вилоятда ўқувчилар учун мудофаа, спорт-соғломлаштириш масканларини ташкил этиш керак. Бу иш маҳаллий ҳокимликлар, жойлардаги мудофаа ишлари мутасаддиларининг ёрдами билан амалга ошиши мумкин. Бундан ташқари, назарий билимларни эгаллашда фойдаланиладиган кўргазмали воситалар яратиш, қўлланмалар чоп этишга эътиборни қаратиш лозим. Қолаверса, тизимимизда фаолият кўрсатаётган ҳарбий таълим ходимлари сифатини янада кўтариш муаммосини ҳам бартараф этиш вақти етди. Бунинг учун истеъфодаги зобитлар, прапоршиклар соҳага жалб қилиниши мақсадга мувофиқдир.

**Фахриддин ТУРДИАЛИ ўғли ёзиб олди.**



# ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТДИ

*Мана, йигирманчи асрнинг охирги Арча байрамига бағишлаб ўтказилган шодиёналар ҳам ўз ниҳоясига етди. Янги йилда гарчи қор ёғмаган бўлса-да, фарзандларимиз тантанани шоду хуррамлик билан ўтказдилар. Мустақиллик майдонида бўй-басти билан салобат тўкиб турган Янги йил арчаси, Тошкент Давлат цирки, театр ва концерт заллари каби санъат кошоналари жажжи ўғил-қизлар хизматида бўлди. Болажонлар Қорбобо ва Қорқиз ҳамда бир қанча эртак қаҳрамонлари билан учрашдилар. Қишки таътилни хушкайфият билан ўтказган болакайлар Соғлом авлод йилида учинчи чоракни янги куч, янги қувват билан муваффақиятли бошладилар.*

***Суратларда: республика Ўқувчилар саройида ўтказилган байрам тантаналаридан лавҳалар.***

**Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.**



# КЛУБ ИШ БОШЛАДИ

Қашқадарё вилояти болалар ва ўсмирлар ижодкорлик маркази ва вилоят "Камолот" ёшлар жамғармаси ҳамкорликда Қарши шаҳридаги 23-мактабда "Фидойи Ёшлар" клубини ташкил этдилар.

Клубнинг Низоми ва доимий ҳаракатдаги дастури тузиб чиқилди.

Клуб машғулотлари режа асосида ҳар ойнинг охирги жума куни ўтказилади. "Фидойи Ёшлар" клубига мактабнинг иқтидорли ўқувчиларидан 50 нафари аъзо бўлиб кирди.

"Сиз ўз тарихингизни биласизми?", "Маънавий-маърифий ишларнинг тарбиявий аҳамияти", "Маънавият нима? Сиз уни қандай тушунасиз?", "Ватанпарварлик тушунчасини Сиз қандай талқин этасиз?", "Касб-ҳунар танлашда ўқувчи-ёшларнинг фидойилиги тўғрисида" каби мавзуларда савол-жавоб кечалари, давра суҳбатлари мунтазам ўтказилиб келмоқда.

Клуб машғулотларини олиб боришда вилоят халқ таълими бошқармаси ва малака ошириш институти, Қарши Давлат университети олимлари, вилоят "Маънавият ва маърифат" кенгаши мутахассислари, вилоят "Камолот" ёшлар жамғармаси ходимлари, мактаб ўқитувчилари ва ҳуқуқшунослар кенг жалб қилинган. Ҳар бир машғулот баҳс ва мулоқот тарзида ўтмоқда. Машғулотдан клуб аъзолари мамнун. Уларнинг фаоллиги ортиб бормоқда.

**К.РАЖАБОВА,**
**вилоят болалар ва ўсмирлар ижодкорлик маркази "Маънавият ва маърифат" ишлари бўйича директор ўринбосари**

# "ИСТИҚЛОЛ" "ЗИЁКОР"И

Наманган вилоятининг Наманган туманида "Истиқлол" газетаси нашр этилади. Албатта, юртимизнинг барча туманлари ҳам ўз нашрларига эга. Ва Наманган туманида ҳам газета чоп этилишида ҳеч бир ғайритабиий ҳолат йўқ. Гап "Истиқлол"нинг ички саҳифалари илова тариқасида ҳар ойда бир марта "Зиёкор" номи билан чоп этилишида. "Зиёкор" бугунги кунда туман ўқитувчи ва тарбиячиларининг ўзига хос минбарига, маслаҳатгўйига ва доимий ҳамроҳига айланиб улгурган.

"Зиёкор"нинг нашрга тайёрланишида "Истиқлол" таҳририяти аъзоларининг ва Наманган тумани халқ таълими бўлими жамоасининг, хусусан, жамоа раҳбари Т.Ҳасановнинг ҳиссалари катта. Туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда газетада худди шу тарзда "Ёшлар овози" иловаси ҳам чоп этилаётганлиги эътиборга моликдир.

"Зиёкор" ва "Ёшлар овози"да чоп қилинаётган мақолалар билан танишар экансиз, таълим-тарбия жараёнида бўлаётган бугунги ўзгаришлар, ёшлар тарбияси йўлидаги баҳамжиҳатлик, тажрибалар, истак ва режалар, шу сингари кўплаб мавзулар сизни ҳам бефарқ қолдирмайди. Ва бу илова нашрлар туман ўқитувчиларининг чин кўмакчиси эканлигига ишонасиз.

**И.БЎРИБОЕВ**

# УЛУҒ ШАРАФ

Устоз отангдай улуғ, деган сўз халқимизда бежиз айтилмаган. Биз, яъни бўлажак ўқитувчилар ҳам Чилонзор тумани Аброр Ҳидоятов номли 173-мактабда ёшларимизга ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс берар эканмиз, бунга янада ишончимиз ортди.

Педагогик амалиёт жараёни бизларни янада ўз касбимизга содиқ ва масъулиятли бўлишга, келажакни севишга ва қадрлашга ундовчи буюк мактаб бўлиб хизмат қилаётир. Ушбу мактабнинг жонкуярларидан бўлган халқ маорифи аълочиси Эргаш ака Азаматов, Ёқутой опа Умаровалар бизга катта ёрдам бермоқдалар. Уларнинг раҳбарлигида ўқув даргоҳида турли тадбирлар, кечалар ўтказмоқдамиз, турли методик маълумотлар ва янгиликлардан баҳраманд бўлмоқдамиз. Айниқса, Эргаш ака шогирдларини отадек севиб, камчиликларимизни тузатиб, ютуқларимизни қувватлаб туради, айни пайтда, кўнглимиздан шундай фикр кечади:

«Маънан, ахлоқан гўзал, фанининг етук билимдони бўлмиш бу устозларни ҳар қанча эъзоз этсак камдир».

**Баҳодир ВАЛИЕВ,**
**Низомий номли ТДПУнинг ўзбек тили ва адабиёти факультети IV курс талабаси**

## Fanimiz fidoiylari

# УСТОЗГА ТАЪЗИМ



*Ҳаётда шундай инсонлар борки, улар бутун куч-қувватини, ҳаётини ижтимоий фойдали меҳнатга бағишлайдилар, асрлар давомида сайқаллашиб аждодларимиздан бизгача етиб келган маънавий бойликларни, маърифат дурдоналарини чуқур ўрганиб, идрок этиб, улардан ўзгаларни баҳраманд этишга хизмат қилишни ўзига бахт деб биладилар. Ўзбекистон халқ таълимининг жонкуяри, тарих фанлари доктори, профессор Собит Содиқов ҳам ана шундай фидойи инсонлардан.*

*С.Содиқов ўзининг 50 йиллик меҳнат фаолиятини мамлакатимиз халқ таълими ривожланиш тарихини ўрганишга, ёшларнинг таълим ва тарбиясига бағишлаган. Собит ака меҳнат фаолиятини 1950 йилда Охунбобоев номидаги Тошкент тиббиёт билим юртида ўқитувчиликдан бошлаган. Ўрта Осиё Давлат университетини тамомлагандан сўнг узоқ йиллар давомида Тошкент Давлат педагогика, чет тиллар институтларида ижтимоий, Ўзбекистон тарихи кафедраларида мудир, ректор ўринбосари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида бошқарма бошлиғи лавозимларида самарали меҳнат қилди.*

*Собит ака Ўзбекистонда таълим тараққиёти тарихини ўрганиш бўйича мактаб яратган устоздир. У таълим ва тарбия масалалари юзасидан 3 та йирик монография, 20 дан ортиқ методик қўлланма ва рисолалар, 100 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифидир. Устоз 3 нафар фан доктори, 10 нафардан ортиқ фан номзодлари тарбиялади.*

*Собит ака ҳозир нафақада бўлишига қарамай, мамлакатимиз таълим тараққиётининг назарий масалалари, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"дек улуғ ишларни ҳаётга татбиқ этишда ўз маслаҳатлари билан шогирдларига, ёш педагог, ўқитувчиларга устозлик қилмоқда.*

**Дониёр БАҲРОНОВ,**
**тарих фанлари номзоди**

# УЯДОШ СЎЗЛАР ВА НУТҚ МАҲОРАТИ

## Sinab ko'ring

Она тили дарсларида уядош сўзларни ўтиш жараёнида ўқувчиларнинг нутқ маданиятини шакллантириш жуда муҳимдир. Зеро, нутқ маданиятига она тилимиз бойликларини пухта ва мукаммал эгаллаш, саводхонликни ҳар тарафлама ошириш асосида эришилади. Ўқувчиларнинг нутқ маданиятини оширишда тил фанининг "Лексикология" бўлими алоҳида ўрин тутади. Бу бўлимдаги уядош сўзларни ўтиш ҳам янги дастурдан ўрин олган.

Уядош сўзлар, деб бир мавзуга оид сўзлар сираси тушунилади. Аввало, ўрганилаётган сўзларнинг умумий ва хусусий маъноларини ўқувчиларга етказа билиш керак. Нутқимизда идиш, ҳайвон, шаҳар, қишлоқ каби умумий маънога эга бўлган кўплаб сўзлар учрайди. Масалан: бино сўзини умумий маъноли сўз, деб оламиз, унинг баланд бино, кўпқаватли бино, ғиштдан қурилган бино, лойсувоқли бино, катта бино, кичик бино каби хусусий номлари мавжуд. Ўқувчида дастлабки фикр мавжуд бўлди. Демак, уларни фикрлатишга ўтиш анча самара беради. Ўқувчилар иштирокида бошқа сўзларнинг ҳам хусусий маъноларини топиш, лўнда, ихчам, аниқ қилиб сўзларни ифодалаш, мужмал, тўмтоқ фикрдан қочиш талаб этилади.

Ўқувчида уядош сўзлар хусусида етарли билим кўникмалари ҳосил қилиш учун ўқитувчи қуйидаги усулдан фойдаланиши керак. Аввало, ўқитувчи хусусий маънога эга бўлган қўй, эчки, сигир, от, туя каби сўзлар тизимини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этади, ўз навбатида, уларни бу сўзларнинг умумий маъносини топишга ундайди. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ўқувчи нутқида юз бераётган сийир, учки, жўча каби шева сўзларини ўрни билан бартараф этиб бориши керак.

Ўқувчиларда уядош сўзлар ҳақида билим кўникмаларини ҳосил қилишда мустақил берилган топшириқлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалан,

1. Қушлар: майна, чумчуқ, булбул, тўрғай.
2. Узумлар: чарос, ҳусайни, тоифи, аллони.
3. Шаҳарлар: Термиз, Тошкент, Қўқон.

Ўқитувчи ё умумий, ё хусусий маъно берувчи сўзларни галма-гал айтиб, ўқувчиларни топқирликка ундаши керак, улардан сўзларни тўғри талаффуз этишни талаб қилиши лозим. Хуллас, шу усуллар билан ўқувчиларнинг нутқ жараёнлари тўлиқ ва атрофлича мукаммаллашиб боради.

**Малика ҲАЙДАРОВА,**
**Жиззах вилояти Фориш туманидаги Абу Али ибн Сино номли 33-ўрта мактабнинг олий тоифали она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси**

Шу билан биргаликда билим, кўникма ва малакалар шахснинг у ёки бу эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилади.

Кўникма дастлаб амалдаги ақлий назорат остида бажарилади. Шартли рефлектор алоқалари мустаҳкамлангач, ушбу назорат сусайиб боради. Шунга кўра айтиш мумкинки, инсон фаолиятидаги кўникма маълум даражадаги ақлий назорат остида амалга оширилади. Бу эса кўникманинг, ўз навбатида, психологик-педагогик моҳиятини англатади. Индивид ҳаракатларида машқлар натижасида шундай ҳолат юзага келадики, бунда ҳаракатнинг бажарилишида ақлий назорат талаб қилинмайди, фаолият, автоматик тарзда бажарилади, натижада кўникма малакага айланади.

Малаканинг психологик асоси, бир томондан, фаолият мақсадида, иккинчи томондан ушбу фаолиятнинг дастлабки ҳолати билан ўзаро алоқасида ифодаланади.

Инсондаги илгаридан мавжуд бўлган кўникма ва малакаларга янгиларининг қўшилиши натижасида мураккаб кўникмалар шаклланади. Масалан, автомобилни бошқариш кўникмаси, хусусан, машина эшигини очиш, двигателни ишга тушириш, тормоз, муфта, акселератор педалларини босиш ва бўшатиш, узатмалар сонини алмаштириш ва ўчириш, фараларни улаш, рул чамбарагини бошқариш каби кўплаб элементар кўникма ва алоқаларнинг қўшилиши натижасида такомиллашади. Шартли рефлектор алоқаларининг мустаҳкамланиб бориши билан баъзи кўникмалар тезкорлик билан малакаларга айланиб боради.

Кўникмалар ўзининг келиб чиқишига кўра, малакага устқурма сифатида шаклланади. Бу ҳолат инсондаги ҳаракатлар турли-туманлиги, атроф-муҳитга ижодий муносабатни талаб қилиши билан белгиланади. Ҳар бир янги кўникма мунтазам тарзда ривожланиб борувчи анализ ва синтез натижаси, мавжуд бўлган билимларга янгиларининг қўшилишидир. Малака эса бир ҳаракатнинг кўп марталаб такрорланиши натижасидир.

Шундай қилиб, кўникма ва малака ижтимоий-тарихий тушунча бўлиб, муайян воситаларни қўллаган ҳолда маълум шароитларда ва аниқ тез-



ликда ривожланади. Талабалар учун ижтимоий амалий фаолият тақозо этувчи ва мақсадга мувофиқ ҳаракатлар тизими сифатида мавжуд бўлади.

Чунончи талабаларда умуммеҳнат ва касбий малакалар қуйидаги босқичларда шакллантирилади:

— малакани шакллантиришнинг дастлабки босқичида талабаларга ўзлаштиришлари лозим бўлган ҳаракатни бажариш тартиби тушунтирилади. Ҳаракатни бажариш усулини билиш уни тўлақонли бажаришни таъминлай олмаса-да, у малака шаклланиши учун зарур бўлади. Талабада ҳаракатлар билан танишиш уни ўрганишга қадар, яъни малака шаклланганга қадар амалга ошади. Лекин ҳаракат вазифаси билан юзаки танишиш ва уни тавсифлаш малака шаклланиши учун етарли эмас. Ҳаракатларнинг бажарилишини ўқитувчи раҳбарлигида чуқур ва мустаҳкам ўзлаштириш лозим. Ҳаракатларга ўрганишнинг дастлабки босқичларида педагогнинг вазифаси ҳаракат тартибини тушунтириш, уларнинг амалий аҳамиятини кўрсатиш, талабалар билимларини чуқурлаштириш ва тизимлаштириш билан, бошқача қилиб айтганда, унга машғулот тавсифи ва мақсади, қандай ўзлаштириш кераклиги тўғрисида аниқ билимлар бериш билан белгиланади;

— навбатдаги, иккинчи босқич — малакалар шаклланиши асосини ташкил этувчи қоидаларни шакллантириш ва билимларни ўзлаштириш, қайта тиклаш босқичи ҳисобланади;

— учинчи босқич — навбатдаги машқларни бажариш жараёнида турғунланиб қолиши мумкин бўлган ҳаракатлар, бошланғич хатоликларни бартараф қилувчи намуналарни намойиш қилишдир. Ўқитувчи у ёки бу ҳаракатларни қандай амалга ошириши лозимлиги, иш жараёнида талаба дуч келадиган қийинчиликларни кўрсатиб беради;

—тўртинчи босқич — ҳаракатни амалий ўзлаштириш, малакани шакллантириш билан белгиланади. Малаканинг шаклланиши ҳаракатни бажариш усулини такомиллаштиришга қаратилган машқлар жараёнида амалга ошади. Бунда талаба онгли равишда қоидалардан фойдалана бош-



лайди. Бу ўринда, айниқса, ҳаракатларни таҳлил қилиш, хатоларни ўрганиш ва уларнинг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга бўлади;

— ниҳоят, охирги бешинчи босқич — мустақил ва тизимли бажариладиган машқлардан иборат бўлади. Бу машқларда мураккабликнинг ошиб бориши билан биргаликда уларнинг хилма-хиллигига эътибор берилади. Шунга мувофиқ, фаолият қизиқарли ва кўпчилик ҳолларда ижодий тавсифга эга бўлади.

Малакалар шаклланишида машқларни вақт бўйича тақсимлаш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Узоқ вақт давомида узлуксиз бажариладиган машқлар натижаси толиқиш туфайли кутилган самарани бера олмайди. Демак, машқларни бошқа турдаги ишлар ва дам олиш билан алмаштириб олиб бориш лозим.

Машқлар самарадорлигига улар орасидаги танаффуслар ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Жуда чўзилиб кетадиган танаффуслар машқлар самарадорлигини пасайтириб, уларга сарфланадиган вақтни кўпайтиради. Психологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, машқларни қуйидагича тақсимлаш энг қулай ҳисобланади: таълим бошида тез-тез такрорлаш ва аста-секин улар оралиғини узайтириб бориш.

Малакаларнинг шаклланиб бориш даражасини ҳаракатларни бажариш тезлиги ва аниқлигига кўра билиш мумкин. Бундан ташқари, ҳаракат натижалари турғунлиги ҳам аҳамиятли омил ҳисобланади. Юқори даражада шаклланган малакалар ҳаракатларни бажаришда алоҳида муваффақиятлар билан эмас, балки давомли равишда юқори натижаларга эришиб бориш билан белгиланади. Агар ҳаракатларни бажаришнинг яхши натижалари уни янги, янада мураккаб ҳаракатлар тизимига киритилганида ҳам сақланса, бу тўлақонли шаклланган малакадан далолат беради ва унинг шаклланганлигининг яна бир муҳим мезони ҳисобланади.

Машқлар давомида малакалар мослашувчанликка эга бўла боради, яъни ҳаракатни бажариш ҳолатларига кўра мос услубларни танлаш қобилияти ҳосил бўлади. Ўқув устахоналарида талабалар керакли малакаларни ривожлантириш учун ўрганувчи машқларни бажаришга деярли вақти бўлмайди.



Аниқ меҳнат турлари сони жуда кўп бўлганлиги сабабли олийгоҳлар талабаларини барча турдаги касбий кўникма ва малакалар билан қуроллантиришга қодир эмас. Бунга эҳтиёж ҳам йўқ. Малакалар кўчиш хусусиятига эга. Шунга мувофиқ илгари бир фаолият туридан ўзлаштирилган малака шунга ўхшаш бошқа фаолият турини ўзлаштиришни бир мунча осонлаштиради. Шу сабабли талабаларни энг умумий ва типик фаолият турига оид кўникма ва малакалар билан қуроллантириш лозим. Малакаларнинг кўчиш шарти бўлиб фаолият турларининг психологик таркиби, мазмуни ва амалга ошириш усуллари белгиланади. Мисол учун металлни арра ёрдамида қирқиш ва эговлашда унга босим бериш ҳаракати учрайди. Уларни бажаришда талаба ҳолати, асбобни тутиш ва ҳаракатларни назорат қилиш бир хил амалга оширилади. Зубило билан қирқишда, парчалашда, тўғрилашда, эгишда, тоблашда зарбий ҳаракат асосий ҳисобланади, уларнинг барчасида асбобни тутиш, гавда ҳолати, ҳаракатларнинг умумий назорати бир хил бўлади. Шунингдек, бошқа кўплаб ҳаракатларни бажаришда ўхшашликлар мавжуд. Замонавий тараққий этаётган ишлаб чиқаришнинг илмий-техник асослари ишчиларнинг турли соҳалардаги меҳнатини янада яқинлаштириб боради. Шунга мувофиқ малакаларнинг кўчишида уларнинг ўзлаштирилиши англанганлиги муҳим аҳамият касб этади. Маълум бир малакани ўзлаштиришда талаба нафақат мос равишдаги ҳаракатларни, балки уни муваффақиятга олиб келувчи усул ва йўлларни ҳам ўзлаштиради. Кейинги фаолиятида у илгариги тажрибаларидан фойдаланади ва бунга, йўл қўйилган хатоларни такрорламасликка интилади ва бунинг натижасида янги малакаларни ўзлаштириш осонлашади.

Шундай қилиб, ўқув-тарбиявий жараённи таълим назарияси фаолияти нуқтаи назаридан қараб чиқиб, халқ таълимидаги барча таълим-тарбия ишларини педагогик технология йўналишига ўтказиш, мактаб амалиётидаги ихтиёрийликдан унинг ҳар бир элементини жиддий асослашни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

**Ўткир ТОЛИПОВ,**
**ЎзПФИТИ докторанти**



# ЯНГИ ДАРСЛИК

**Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларнинг 2-синфи учун рус тилидан янги дарслик чоп этилди. Янги дастур асосида Р.Толипова бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан ёзилган ушбу дарслик ўқувчиларга оғзаки нутқ билан бир қаторда 2-синфданоқ рус алифбосини ўргатишни кўзда тутади.**

**Республика Таълим маркази 1999-2000 ўқув йилининг иккинчи ярмидан ўзбек мактабларининг 2-синфида рус тили дарсликларини шу дарслик асосида ўтишни тавсия этади.**

**Дарслик рангли расмлар билан безатилган. Баҳоси 244 сўм. Дарслик сотиб олиш учун 136-53-62 рақамли телефонга мурожаат қилишингиз мумкин.**

**Ўзбек тили маркази**

